

## МЕДИАТАЪЛИМ ФЕЙК МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРШИ ҚАРШИ МЕДИСАВОДХОНЛИКНИ ОШИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

Назим Бўронов  
ЎзМУ 2 босқич магистранти

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда Ўзбекистон медиа-маконида фейк ва дизинформацияга оид маълумотларни кўпайиши инсонларга салбий таъсирини ўтказмоқда. Хусусан глобаллашув даврида фейк маълумотларни саралашига оид ёшлиарнинг медиасаводхонлигини ошириш ҳамда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мухим восита ҳисобланади. Уйбу мақолада медиататълим фейк маълумотларга қарши курашиша медиасаводхонликнинг воситаси сифатида таснифланади. Шунингдек, илмий мақолага доир халқаро ва ўзбек сегментидаги адабиётлар ўрганилиб мавжуд муаммо юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилади.

**Калит сўзлар:** Медиататълим, фейк, дизинформация, ахборот хавфсизлиги, медиа-макон.

### MEDIA EDUCATION AS A TOOL TO ENHANCE MEDIA EDUCATION AGAINST FAKE INFORMATION

### ABSTRACT

Today, the increase of fake and disinformation in the media space of Uzbekistan has a negative impact on people. In particular, in the era of globalization, it is an important tool to increase the media literacy of young people and strengthen their ideological immunity. In this article, media education is classified as a means of media literacy in the fight against fake information. Also, international and Uzbek literature on the scientific article is studied and suggestions and recommendations are made regarding the existing problem.

**Key words:** Media education, fake, disinformation, information security, media space.

### КИРИШ

Ўзбекистонда медиататълим ўз асл маъносида ахолининг медиасаводхонлигини ошириш инструменти сифатида қўлланилмайди. Аммо бугунги замон талаблари ва ахборотларнинг турли манбалари билан ишлашни

инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Миллий университетида бунинг бироз ўзгача кўринишлари жорий этилган. Интернетнинг таъсири ва ахборот маконида турли маълумотларни олиш ва чоп этиш имкониятларининг ортиб бораётгани, ва ахборот маконида мультимаданий(турли маданиятларнинг) ахборот маконининг шаклланиши натижасида ахборот хавфсизлиги ва ахборот ҳуружлари билан боғлиқ айrim фан ва маҳсус курслар ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига киритилган. Қайдаги ўтказилган сўровнома натижалари ҳам аксарият талабалар Интернет платформаларидан ахборот олишни маъкул қўришларидан далолат берди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг фалсафий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий масалаларини профессорлар Н.Жўраев, Ж.Мухаммадиев, Ф.Муминов ва ф.ф.н., доцент Т.Эшбековлар томонидан ўрганилган. Интернет билан ишлаш маданиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар М.Арипов, У.Ш.Бегимқулов, Н.А.Муслимов, М.Файзиева, Ш.Шарипов, Т.Шоймардонов, С.Ғуломов, А.Абдуқодиров, Н.Қосимова томонидан амалга оширилган. Ўзбекистонда оммавий медиатаълим жорий этилмаган бўлса-да, Ш.Т.Халирова, К.А.Фарфиева каби номзодлик диссертацияси устида иш олиб борган тадқиқотчилар ОАВнинг болалар ва ёшларга таъсирини тадқиқ этишган. “Тарбия”, “Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим” журналларида медиатаълимга бағишлиланган қатор илмий мақолалар чоп этилган. Шу жумладан, Джуманова Санобар “Медиатаълим оммавий коммуникациянинг маҳсули сифатида” академик даражасини олиш учун олиб борган изланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга[1].

## МУҲОКАМАЛАР

Халқаро тажриба шуни қўрсатадики, ахборот хавфсизлигини таъминлашда медиатаълимдаги медиасаводхонликни ошириш конструктив-психологик асосларини шакллантириш, миллий маънавий ҳамда маданий мерос воситаси бўлиб, талабаларнинг ахборот ҳуружларига қарши ўз-ўзини ҳимоялаши, яъни медиасаводхонлигини яхшилаш, психологик хавфсизлигини конструктив механизмини ишлаб чиқиши бўйича кенг кўламдаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Республикаизда жамиятни ахборотлаштириш сиёсати механизмлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 центябрдаги 250-сонли қарори билан, Ўзбекистонда элеқрон ҳукумат тизмини янада ривожлантириш мақсадида, маҳсус марказлар – “Электрон ҳукумат тизмини ривожлантириш маркази” ҳамда “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази”ни ташкил этиш белгиланган[2]. Қарорга мувофиқ

“Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази”нинг асосий вазифаларидан бири этиб қонун бузувчиларни таҳлил этиш, индентификациялашда, ахборот маконида олиш тақиқланган ахборотларни рухсатсиз олишга ёки бузишга бўлган ҳаракатларни таҳлил қилишда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йил 4 февралдаги фармонига асосан “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги” ташкил этилиб, мамлакатимиздаги ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий асосларини амалга ошириш лозим бўлган чоратадбирлар механизми белгилаб берилди. Шунингдек, талабаларда милллий-маданий, тарихий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда тарихий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегия”сида “V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасидаги устунвор йўналишлар”ига бағишлиган бўлимида “V.I. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни тамиллаш соҳасидаги устувор йўналишлар” ҳам қамраб олиинган[3]. Шу нуқтаи назардан қараганда, мутахассис кадрларни тайёрлашда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва фейк ва дизинформацияга қарши медиасаводхонлигини оширишда медиатълим асосларини яратиш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

## НАТИЖАЛАР

### 1. Сиз ахборотни кўпроқ қаердан оласиз?

Ушибу сўровнома натижаларига кўра 28 фоиз талабалар ОАВ орқали деб жавоб берган бўлса, 72 фоиз талабалар Интернет орқали дея жавоб берди. Якуний умумлашма хулоса натижаларига кўра, аксарият талабалар учун Интернетдан ахборот олиши қулай ва тезкордир.

1. Сиз ахборотни кўпроқ қаердан оласиз?



■ Internet ■ OAV ■ ■

**1.[https://docs.google.com/forms/d/1uepxrLm\\_ClqrFja0BSXeMMGm8PRG1Xjf0palRrG5c8/edit](https://docs.google.com/forms/d/1uepxrLm_ClqrFja0BSXeMMGm8PRG1Xjf0palRrG5c8/edit)**

Хусусан, олий таълим муассасаларида мураббийлик соатлари доирасида “ахборот соат”ларининг олиб борилишидир. Бунда талабалар билан ОАВда чоп этиб борилаётган мұхим воқеалар мұхокама этилади, узатилған маълумотлар юзасидан мулоҳазалар билдирилади ва бугунги куннинг ахборий қиёфаси кузатиласиди.

Бугунги кунда аудиториянинг ахборот олиш каналларини аниқлаш мақсадида қойдаги сўровнома ўтказиш орқали Интернет платформасида энг қўп кузтладиган ахборот тармоғини аниқлаб олдик.



**2. Сиз қайси Интернет платформасидан ахборот оласиз?**  
*“Республика иқтидорли талаба-ёшлар”* клубида ўтказилған сўрвнома натижаларига қўра бугунги кунда 60 фоиз талабалар “Telegram”, 20 фоиз талабалар “Facebook”, 15 фоиз талабалар “Instagram”, 5 фоиз “Twitter” интернет тармоғидан ахборот олишини маъқул деб билади.

**3. Қойдаги хабарга фикр билдириб медиасаводхонлигинизни тешириб кўринг?**

“Россия Ковид-19 жасадида аутопсияни амалга оширган дунёдаги биринчи мамлакат бўлди. Тўлиқ текширувдан сўнг у Ковид-19 вирус сифатида мавжуд эмаслигини, бу радиация таъсирига тушган ва қон ивиши туфайли инсон ўлимига олиб келадиган бактерия эканлигини аниқлади.

COVID-19 қон ивишини келтириб чиқарииши аниқланди, бу одамларда тромбозни келтириб чиқаради ва томирларда қонни піхтилашмасина олиб келади,


шунинг учун мия, юрак ва ўтка кислородни қабул қила олмайдиган одамнинг нафас олишини қийинлаштиради, бу одамларда тез ўлимга олиб келади.

Нафас олиши энергиясининг этишмаслигининг сабабини топиш учун Россиядаги шифокорлар ЖССТ протоколига қулоқ солмай, ковид-19 отопсиясини ўтказдилар. Шифокорлар қўлларини, оёқларини ва тананинг бошқа қисмларини очиб, синчковлик билан текширгандан сўнг, улар қон томирлари кенгайганигини ва қон қуйқалари билан тўлдирилганлигини, бу кўпинча қон оқимига тўсқинлик қиласидиган ва шунингдек кислород оқимини камайтирганини пайқашиди. танада бу беморнинг ўлимига сабаб бўлади. Ушибу тадқиқотдан хабар топган Россия Соғлиқни сақлаши вазирлиги дарҳол Ковид-19 даволаши протоколини ўзгартирди ва ижобий беморларга аспирин буюорди. 100 мг ва Эмпромасни қабул қилишини бошлади. Натижада, беморлар согайишни бошладилар ва соғлиқлари яхшилана бошлади. Россия Соғлиқни сақлаши вазирлиги бир кунда 14 мингдан ортиқ беморни уйдан чиқариб, уйларига жўнатди.

Россиядаги шифокорлар бир мунча илмий кашфиётлардан сўнг даволаши усулини тушунтирилар, бу касаллик бутун дунё бўйлаб ёлгон эканлигини, "бу Фелли-томир ичи қон ивишидан (тромбоздан) бошқа нарса эмас ва даволаши усули даволовчи" эканлигини таъкидладилар. Антибиотик таблеткалари, Яллигланишига қарши ва Антикоагулянтларни қабул қилинг (аспирин). Бу касалликни даволаши мумкинлигини кўрсатади. Бошқа рус олимларининг фикрига кўра, шамоллатиши аппаратлари ва интенсив терапия бўлими ҳеч қачон керак бўлмаган. Бу ҳақда протоколлар Россияда аллақачон нашир этилган.

Хитой давлати бу ҳақда аллақачон билган, аммо ҳеч қачон ўз ҳисботини эълон қилмаган.

Ушбу маълумотларни оиласиз, қўшниларингиз, танишларингиз, дўстларингиз, ҳамкасларингиз билан баҳам кўринг, улар COVID-19 қўрқувидан халос бўлишлари ва бу вирус эмас, балки фақат 5Г нурланишига учраган бактерия эканлигини тушунишлари мумкин. Фақат иммунитети жуда паст бўлган одамлар учун эҳтиёт бўлинг. Ушбу нурланиш шунингдек яллигланиш ва гипоксия келтириб чиқаради. Жабрланганлар Асприн 100 мг ва Апроник ёки Парацетамол 650 мг ичишлари керак.



[https://docs.google.com/forms/d/1uepxrLm\\_CIqrFja0BSXeMMGm8PRG1Xjf0palRrG5c8/edit](https://docs.google.com/forms/d/1uepxrLm_CIqrFja0BSXeMMGm8PRG1Xjf0palRrG5c8/edit)

"Республика иқтидорли талаба-ёшлар" клуби фаоллари орасида үтказилған сўровнома натижаларига кўра, хабарнинг ишончли ёки ишончи эмаслигига қўшилмайдиган талабалар 20 фоизни, хабарнинг ишончли деб қабул қилган талабалар 45 фоизни, хабарнинг ишончсизлигини мақуллаган медисаводхон талабалар 35 фоизни ташкил этди. Демак, медиасаводхонликни оширишда медиатаълимнинг ўрни жуда муҳим. Шу жумлдан, "медиасаводхонлик" ва "медиатаълим" тушунчалари хусусида талабаларда аниқ билим кўникмаларини шакллантириш лозим.

Ғарб медиапедагоглари "медиасаводхонлик" (media literacy) тушунчасини қўйидагича изоҳлашади:

«Медиасаводхонлик» – ўқувчи ва талабаларга медиа билан мулоқотда, уларнинг ҳаётидаги медиа мазмунини тушунишда танқидий нуқтаи назар билан қарашга ёрдам беради. Медиасаводхон ўқувчи ёки талаба медиаматнларга баҳо беришда танқидий ва таҳлилий ёндашуви, оммавий маданият билан муносабатда танқидий масофада бўлиши, манипуляцияга қаршилик қилиши керак[4].

«Медиасаводхонлик» — медиаматнларни шарҳлаш/таҳлил этиш ва яратиш қобилияти[5].

«Медиасаводхонлик» — турли шакллардаги ахборотларни олиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва узатиш қобилияти[6].

«Медиасаводхонлик» — медиасаводхон одамни замонавий дунёдаги, кодли ва репрезентацион тизимларда фаолият юритаётган медианинг ижтимоий-маданий, сиёсий контекстини тушунишга, медиаматнларни идрок этиш, яратиш, таҳлил этиш, баҳо беришга тайёрлаш жараёни[7].

«Медиасаводхонлик» — инсонларга аудиовизуал ва босма матнларнинг маданий аҳамияти, мазмунини тушунишга, яратишга ва баҳолашга ёрдам беришга ундовчи ҳаракат. Ҳар бир инсон медиасаводхон бўла олади[8].

Медиатаълим ва медиасаводхонлик ўртасидаги чегара жуда силлиқ ва бирбири билан алмашувчан. К.Ворсноп (Ch.Worsnop), В.Гура, В.Монастырский, А.Короченский, Ж.Панженте (J.Pungente), С.Пензин, И.Розер (I.Rother), Д.Сюсс (D.Suess), Л.Усенко, Т.Шак ва бошқа медиапедагоглар фикрича медиасаводхонлик медиатаълим натижасидир. Д.Лемиш (D.Lemish)нинг фикрига кўра эса медиатаълим анча кенг қамровли тушунчадир. Медиасаводхонлик билангина боғлаб унинг моҳиятини очиб бериб бўлмайди. А.В. Федоровнинг фикрига кўра эса, бу икки тушунчани бир-биридан ажратмаслик керак. Тадқиқотимиз жараёнида маълум бўлдики, медиасаводхонлик ОАВ билан шахс ўртасидаги муносабатdir. Ахборий маданият жамиятнинг ҳар бир аъзоси юқори ёки қўйи даражадаги медиасаводхонликка эга бўлади.

Ахборот қудратли куч, қуролдир. Оммавий ахборот ва телекоммуникацияси воситаларининг “воситачилигида” оммавий маданият кириб келмоқда, манипуляция амалга оширилмоқда, ёшларнинг вақти беҳудага сарф бўлмоқда, уларнинг маънавий олами ва соғлиғига путур етмоқда, ижтимоий тафаккурда ўзгаришлар кечмоқда. Шунингдек, унинг эзгу хизмати ҳам бисёрдир. Оммавий коммуникация жамиятни ахборот билан таъминламоқда, ҳар бир инсонга ахборот узатиш имконини бермоқда, билим олишига қўмаклашмоқда, бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда.

Глобаллашув, ахборот асрининг ижобий таъсирини кучайтириб, салбий таъсирини бартараф этишга хизмат қилаётган нокасбий медиатаълимни жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлидир.

Ахборот хуружларини олдини олиш ҳамда таҳдидларга қарши курашиш учун жудда катта маблағ ёки қўшин йиғишимиз талаб қилинмайди. АҚШнинг собиқ президенти Ж.Кarter “Тарғиботга сарфланган бир доллар қуролланишга сарфланган 10 доллардан самаралироқ”, - деб бежиз таъкидламаган. Ҳозирги даврда сунъий йўлдош ахборот узатишнинг энг қулай воситаси бўлиб қолди. Катта маблағ талаб этиладиган сунъий йўлдошга ҳамма давлат ҳам эгалик қилолмайди. Шу боис ҳам фазовий сунъий йўлдошлар бир нечта давлатга қарашлидир. АҚШ 30 та, Япония 21 та, Россия 12 та, Хитой 9 та, Ҳиндистон 9 та сунъий йўлдошга эга. Шу боис мамлакатнинг порлоқ келажаги бўлган ёшларни миллатимизга ёт бегона қадрият ва ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиш ахборот таҳдидларига қарши уларнинг

“ахборот саралаш қобиляти”ни шакклантиришимиз зарур. Ёшларнинг ахборот саралаш қобилятии шакллантириш бу таҳликали замонда устунвор вазифалдан бўлиб, медиасаводхонлик асосини яратиш долзарб масалалардандир. Ўкув жараёнида оммавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларининг психофизиологик ривожланишга мос келади, ўкув жараёнини янада қизиқарли қиласи, ўқитиш мазмуни, шакллари ва усулларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ахборотлашган жамият шароитида бу алоҳида долзарблик касб этади. Медиатаълимнинг бош мақсади – асосий қонунларни тушунишга ёрдам беради, оддий йўналишлардаги медиа ахборот тилини ўрганиш, ўқувчининг бадий ўсиши, ривожланишига ҳисса қўшиш, медиаматнларни қабул қилиш, ўрганиш ва малакали таҳлил этиш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Таълим тизимини модернизациялашда медиатаълим масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Медиатаълим ўзининг технологик инфраструктураси, ўз таянч таълим технологияларига эга. Медиатаълимнинг асосий мазмуни медиа-маданият кино санъати бадий телевидения ва бадий медиа тилини унинг тарихини билиш тушунишдир. Медиатаълим-ўкув жараёни ва унинг барча дидактик шарт-шароитларни такомиллаштирувчи ҳодисадир. Таълим жараёнида медиатаълимни ташкил этишда ўкув предметларининг материаллари ниҳоятда талабчанлик билан мувофиқлаштирилиши лозим. Ўқитувчи ўрганилаётган материалнинг илмий ва амалий аҳамиятини оширишга ҳаракат қилиши, ўқувчилар онгидар барқарор тизимлаштирилган билимларни сингдириш воситаси ҳисобланади. Медиатаълимнинг педагогик стратегияси бадий таҳлил қила олиш, уни талқин қилиш асосида баҳо беришдан иборатdir. Медиатаълимнинг марказида ўкувчи шахс туради, унинг қизиқиши, истакларини ҳисобга олиш, олинган ахборот воситасида танқидий фикрлашга ўргатиш керак. Хорижий давлатлар педагогик олимларнинг фикрича, медиатаълим тарбиявий, таълимий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларни идрок қилиш жараёнида реактив фикрлашга ўргатади. Ахборот билан ишлаш, ахборот қидириш, зарурларни ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, ахборот мазмунини тушуниш мантиқий яқинларини ажратишни ўрганади. Шулар асосида ахборот маданияти шаклланади.

Хозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида “ахборот хуружлари” атамаси тез-тез тилга олинмоқда. Нияти бузук бўлган айрим гурухлар сай-харакатлари билан оммавий ахборот воситалари тажовуз қуролига айлантирилмоқда. “Мафкуравий хуружлари”да инсоннинг онги ва қалби нишонга олинмоқда. Ёшлар масаласи, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси алоҳида эътиборни талаб этади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим тизмida малакали кадрларни етиштириб чиқаришда етакчи таълим муассасаларида медиатаълимни қисман қамраб оловчи мутахассислик фанлари бор уларнинг акасарияти касбий маҳоратни оширишга боғлиқ назарий билимларни оширишга йўналтирилган. Аммо бугунги кунда журналист кадрларни тайёрлашда уларнинг ахборот саралаш қобилятини шакклантиришга доир медиатаълим дастур жуда муҳим.

Талабанинг медиасаводхонлигини оширишда жаҳон тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда уч йиллик ўқув дастурига киритилган “Медиатаълим асослари” фанини жорий этиш керак. Бу фан бўйича, ўз навбатида, амалий машғулотлар олиб бориш билан бирга хориж тажрибаси билан амалий дарсларни мустаҳкамлаш лозим.

“Медиатаълим асослари” фани доирасида бир ўқув йилига мўлжалланган назарий ва амалий машғулотларнинг умумий конструктив механизми:

1-курслар учун. Ахборотлашган жамиятда коммуникация воситалари, ахборот ва унинг турларининг психологик аҳамияти таҳлили;

2-курслар учун. Медиа маконда халқаро стратегик аҳамиятга эга ахборот матбуот, радио, ТВ ҳамда оналайн нашрлар таҳлили;

3-курслар учун. Онлайн нашрларда медиамаҳсулот турлари ҳамда уларнинг психолингвистик хусусиятлари.

Дасталаб талабалар “Медиатаълим асослари” фани доирасида ярим йиллик ўқув дарслар давомида назарий билмлар олишади. Иккинчи ярим йиллик амалий машғулотларда психологик аҳамиятга эга журналистик материалларни топиб миллий ва халқаро тажриба мисолида таҳлил қилишади. Назарий билимларни янада мустаҳкамлаш учун МДҲ давлатлари кучли журналистлари билан семинар-тренинглар ўтказиш билан мустаҳкамланади. Бу тизим бўлажак кадрларнинг медиасаводхонлик қобилятини медиатаълим орқали мустаҳкамлаш учун пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Керакли билимларга эга бўлган кадрлар келажақдаги фаолияти давомида аудиториянинг ахборот истеъмол маданиятини янада оширишга хизмат қиласди.

## ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5148-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017. №6. 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим муассасаларида "Медиатаълим" ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тўғрисида"ги Фармойиши. Халқ сўзи, 2012йил. 18 декабрь сони.
4. Мўминов А. Ўзбекистон: Ахборотлашган жамият сари.-Т.: "Турон замин зиё". 2013. 113-бет.
5. Duncan, B. (Ed.) (1989). Media Literacy Resource Guide. Toronto: Ministry of Education of Ontario, Publications Branch, the Queen's Printer, 232 p.
6. Worsnop, C. M. (1994). Screening Images: Ideas for Media Education. Mississauga: Wright Communication, 179 p.
7. Kubey, R. (1997). Media Education: Portraits of an Evolving Field. In: Kubey, R. (Ed.) Media Literacy in the Information Age. New Brunswick & London: Transaction Publishers, p.2.
8. International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences, 2001, p.9494
9. Aufderheide, P., Firestone, C. (1993). Media Literacy: A Report of the National Leadership Conference on Media Literacy. Queenstown, MD: The Aspen Institute, p.1.